

ТАРҚАТИШВАРАҚАСИ

№ 183 « 24 » 06 2020 йил.Фармойиш, қарор, баён лойиҳаси
ким томонидан тақдим этилган:Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари
котибияти

№	Фармойиш, қарор жўнатилиши лозим бўлган бошқарма, ташкилотлар	Нусха	Исми шарифи	Сана
1	2	3	5	6
1.	Умумий бўлим	1		
2.	Шахар ва туманлар ҳокимлиги	13	Е-хат	24.06.2020 й
3.	Иқтисодиёт котибияти	1	Е-хат	24.06.2020 й
4.	Вилоят Молия бошқармаси	1	Е-хат	24.06.2020 й
5.	Вилоят Монополияга қарши курашиш бошқармаси	1	Е-хат	24.06.2020 й
6.	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси	1	Е-хат	24.06.2020 й
7.	Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси	1	Е-хат	24.06.2020 й
8.	Вилоят Марказий банк бошқармаси	1	Е-хат	24.06.2020 й

Жами: 19 нусха

Ҳужжат қабул қилинган сана: «24» июнь 2020 йил.

Имзо:  Б.ҚайнаровТелефон: 226-12-46



2020 у. « 24 » июнь

№ 183

« ___ » _____ 20__ г.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли ва вилоят ҳокимининг 2020 йил 5 мартдаги 75-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджетларга қўшимча даромад манбааларини кенгайтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сон ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 5 мартдаги 75-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5, 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2012 йил 15 октябрдаги № 254-сонли ва 2018 йил 30 апрелдаги № 313- сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Жиззах вилоят ҳокимининг 2020 йил 5 мартдаги 75-сонли қарорига мувофиқ вилоят ҳудудида ўрнатилган ташқи реклама объектларига (конструкцияларига) ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимлар жорий этилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) қуриш учун бериладиган ер участкаларини ҳамда давлат мулки бўлган бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ҳудудларни ўрганишни;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга реклама объектларини жойлаштириш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжатлар тайёрланишини;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) тизимли мониторинг қилишни ва уларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлашни;

ташқи реклама объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган рекламалар, шу жумладан ижтимоий рекламалар ҳисобини юритишни;

йўлнинг қатнов қисмида жойлашган аҳоли турар-жой биноларининг ташқи қисмида (балкон, лоджия, дераза, эшик ва бошқа тарафига) ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўришни;

барча субъектлар билан ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш бўйича шартномалар тузилишини ҳамда амалдаги тартибда йиғимларни ундирилишини таъминласин.

2020 йил 31 декабрга қадар биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида ҳамда 2021 йил 31 декабрга қадар иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида жойлаштирилган ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартириш;

биринчи даражали марказий қатнов кўчаларида фақат видео экранли ва иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида аралаш турдаги юқори технологияли ташқи реклама объектлари (конструкциялари) ўрнатилишини назарда тутиш.

Бунда биринчи ва иккинчи даражали марказий қатнов кўчаларида ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун реклама жойлари паспорти мос равишда мазкур банднинг юқорида кўрсатилган муддатларгача рухсат берилади ҳамда ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўловлар миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда кўрсатиб ўтилган бир марталик йиғим ундирилмайди.

Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори технологияли қурилмаларга ўзгартириш ишлари белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда, бундай қурилмалар уларнинг эгалари томонидан ўз кучи билан олиб ташланади (демонтаж қилинади) ва ер майдони тартибга келтирилади, акс ҳолда қурилмалар суд тартибида тегишли ҳокимлик томонидан демонтаж қилинади ва барча харажатлар реклама объектлари (конструкциялари) эгаларидан ундирилади.

Мазкур қарор талаблари доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш шаҳар ва туман ҳокимликларига бўлимнинг малакали мутахассисларини бириктириш.

Бириктирилган мутахассисларга жойларда ташқи реклама жойлаштириш объектлари (конструкциялари)ни миқдорини кўпайтириш ва белгиланган тартибда рекламалар жойлаштирилиши бўйича кўрсатмалар бериш.

Ҳар чорак якуни билан жойларда мавжуд реклама объектлари (конструкциялари)дан фойдаланиш, янги кўшилган объектларнинг ҳолати ва ташқи реклама жойлаштириш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича муаммо ва таклифларни ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимлигига киритилишини таъминласин.

Шахар ва туманлар ҳокимликлари (ваколотли орган) реклама тарқатувчилардан реклама жойининг паспортида кўрсатиб ўтилган жой учун белгиланган таърифлар бўйича хар ойда ҳисобот ойининг 25-санасига қадар йиғимларни ундирилишини таъминласин.

Йиғим тўловчининг жойлашган жойидан қатъий назар ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлашган ҳудуд бўйича тушган маблағларни куйидаги нисбатда тақсимлаш вазифаси топширилсин:

- 45 фоиз ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлашган туман (шахар) маҳаллий бюджетларига;

- 45 фоизи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига;

- 10 фоизи “Тасвирий ойна” ижодий уюшмасининг тегишли бўлимларига.

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловларнинг (йиғимларнинг) 60 фоизи миқдорида вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси ҳузуридаги ҳудудий мақсадли жамғармаларга, 40 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб қувватлаш жамғармасига йўналтириш.

4. “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг самарали фаолият кўрсатиши учун мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳатлар жараёнини кенг оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқнинг чинаккам бунёдкорлик ишларини, одамлар онгида, руҳиятида, қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий намаён эттирувчи кўргазмалар тайёрлаш бўйича буюртмаларни берсинлар ва мувофиқлаштирсинлар.

5. Ташқи реклама мосламаларини ўрнатиш учун ойлик йиғимлар таърифи 1-иловада кўрсатилган миқдорда ҳудудлар кесимида тасдиқлансин.

6. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (Дарвишев)га йиғимнинг тўлиқлиги, ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўловларнинг тўланиши бўйича назоратни амалга ошириш вазифаси топширилсин:

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раджапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев

Ташқи реклама мосламаларининг ўрнатилш учун ойлик йиғимлардан ундирилиши
кутилаётган маблағлар тўғрисида

сўмда

Т/Р	Ташқи рекламани жойлаштиришнинг турлари	Йиғим хисобланади ган ўлчов бирлик (кв.м 1 дон ва х.к.э.)	Житлах шаҳри учун			Бошқа туман ва шаҳарлар учун		
			100 % улушга эга чет эл таъкилотлари ва ваколатхоналар томонидан жойлаштирилган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)	Қўшма корхоналар томонидан жойлаштирилган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)	Бошқа турдаги таъбиркорлик субъектлари томонидан жойлаштирилад ган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)	100 % улушга эга чет эл таъкилотлари ва ваколатхоналар томонидан жойлаштирилган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)	Қўшма корхоналар томонидан жойлаштирилган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)	Бошқа турдаги таъбиркорлик субъектлари томонидан жойлаштирилган реклама воситалари бўйича миқдор (сўм)
1	Том қурилмалари (газчиروқли ва чироқли) рекламалар	1 кв/м	14325	12 600	3620	12500	8 820	3630
2	Том қурилмалари (чироқсиз) рекламалар	1 кв/м	14325	12 600	5170	12500	8 820	3630
3	Алоҳида жойлаштирилган реклама қурилмалари (билборд, лайтбокс)	1 кв/м	11460	10800	6500	9100	7560	5800
4	Бионинг девор қисмида ўрнатилган рекламалар (брендмауэр ниши)	1 кв/м	14325	10800	3650	11100	7560	3431
5	Қурилш майдонининг вақтинчалик тўсиқларига ўрнатилган рекламалар	1 кв/м	3820	2520	2200	3200	1800	1540
6	Бионинг девор қисмида ёки алоҳида ўрнатилган чироқли кутилар ва кўрсаткичли крошштейн рекламалари	5 кв/м.гача	14325	18360	11550	17500	12870	8140
7	Бионинг девор қисмида ёки алоҳида ўрнатилган чироқли кутилар ва кўрсаткичли крошштейн рекламалар	5 кв/м.дан ортиқ	28650	22500	16720	21000	15750	11660
8	Савдо шаҳобчалари ташқи томонини рекламалар билан безаш	1 кв/м	11460	8370	5104	9700	5850	3520
9	Ошхоналар, рестороилар ташқи томонини рекламалар билан безаш	1 кв/м	14325	12510	11230	13000	8730	7150
10	Жамоат транспорти тўхташ бекатлари , павилоилар ва ер ости ўтиш жойларини рекламалар орқали безаш, шу жумладан реклама пешлавлари	1 кв/м	16235	13500	10824	13400	9450	7590
11	Замонавий динамик реклама қурилмалари (приматрон, роллерли ва бошқа харакатланувчи қурилмалар	1 кв/м	14325	13230	8250	10900	9270	5800
12	Замонавий юкори технология рекламалари (методиод экран)	1 кв/м		18000			12600	
13	Бир марталик ақциялар доирасида ўз маълумотлари ва улар ҳқидаги маълумотларни тарқатиш тадбирлари рекламаси (сенянинг промақциялар)	1 жой учун	49660	29250	21450	36400	20520	15070
14	Хажми-фазовий (бўрнма харфли) реклама қурилмалари	1 дон	52525	42930	42900	40000	30060	30030
15	Йўл ёксанда ва йўлнинг қатнов қисмининг тепасида осилган тўртиб боғловчи реклама воситалари	1 кв/м	14325	10800	7150	10700	7560	5060
16	Савдо шаҳобчалари ташқи томонини кичик реклама конструкциялари (сеняла, кўрсаткич)	5 кв/м.гача	167125	112500	108900	119000	78750	83300
17	Савдо шаҳобчалари ташқи томонини кичик реклама конструкциялари (сеняла, кўрсаткич)	5 кв/м.дан ортиқ	296050	220500	198000	210000	154350	154000
18	Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари худудидан маълум масофа узоклида ўрнатилган кўчма реклама конструкциялари (штендер)	2 кв/м.гача ортиқ	70000	65000	60000	50000	45000	40000
19	Савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари худудидан маълум масофа узоклида ўрнатилган кўчма	2 кв/м.дан ортиқ	100000	90000	80000	75000	70000	60000

Илоҳ

Вилоятда фаволит кўрсатиётган барча таъбиркорлик субъектлари мулк тейрасидан қатъий назар 2,5 кв/м ошқик реклама воситалари учун 1 кв/м 5000 сўм